

# **ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ НАТИЖАВИЙЛИГИ**

**Фотима Қўчқорбоевна ЖУМАНАЗАРОВА**

тадқиқотчи

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

## **Аннотация**

Мақолада мамлакатимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлашга доир амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг натижавийлиги таҳлил қилинган. Хотин-қизларнинг ҳар соҳада бандлигининг таъминланиши уларнинг ижтимоий ҳаётда ўзининг позициясига эга бўлиши каби масалалар ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** хотин-қизлар бандлиги, гендер тенглиги, тадбиркорлик, ҳаракатлар стратегияси, “Аёллар дафтари”.

# **ПРОВЕДЕННЫЕ РЕФОРМЫ ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ЗАНЯТОСТИ ЖЕНЩИН И ДЕВОЧЕК В УЗБЕКИСТАНЕ И ИХ ЭФФЕКТИВНОСТЬ**

**Фатима Кучкарбаевна ДЖУМАНАЗАРОВА**

исследователь

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

## **Аннотация**

В статье анализируются реформы, проводимые для обеспечения занятости женщин в нашей стране, и их эффективность. Изучены такие вопросы, как обеспечение занятости женщин во всех сферах и их положение в общественной жизни.

**Ключевые слова:** женская занятость, гендерное равенство, предпринимательство, стратегия действий, “Женская тетрадь”.

Мамлакатимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлашга доир қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, бу борада босқичма-босқич ҳуқуқий асослар ҳам такомиллаштирилмоқда.

Охириги тўрт йилда бу борада 2 та қонун, Президентнинг 2 та фармони ва 5 та қарори ҳамда вазирлар маҳкамасининг 1 та қарори қабул қилинди. Биринчи марта Сенатда хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича қўмита ташкил этилди.

Бугунги кунда аҳолимизнинг қарийб ярмини яъни 17 миллионини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг манфаатларини таъминлаш, жамият

хаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Буни биз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони асосида белгиланган устувор вазифаларда ҳам кўришимиз мумкин. Белгиланган вазифалар бўйича қуйидагилар амалга оширилди.


Биринчидан, гендер тенглигини таъминлаш ва хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида раҳбар лавозимларга аёлларни тавсия этиш, уларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Миллий парламентимиз тарихида 2007-2015 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери лавозимига Д.Тошмухаммедова сайланиб, 2019 йил Ўзбекистон Президенти томонидан Танзила Норбоева Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига тайинланди.

Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида ҳокимлик лавозимига тайинланганлар сони ҳам ортиб бормоқда. Бугунги кунда Андижон вилоятининг Бўстон туманига Садбархон Мамитова, Бухоро вилоятининг Олот туманига Наргиза Неъматова, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрига Гавҳар Алимова, Сирдарё вилоятининг Боёвут туманига Дилфуза Ўролова, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманига Маҳсуда Мустафоева биринчи раҳбар этиб тасдиқландилар.

Иккинчидан, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда давлат ва жамият бошқарувига жалб қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби сиёсий жараёнлар позициясини янада мустаҳкамлаш мақсадида Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси Сенати раиси бошчилигида Хотин-қизлар гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссия тузилди, 14 та ҳудудий ва 203 та туман (шаҳар) Хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши фаолияти йўлга қўйилди, 14 та ҳудудда Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари очилди, Ижтимоий ҳаётда фаол хотин-қизларни муносиб

рағбатлантириш мақсадида “Мўтабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилиб, 587 нафар аёл тақдирланди.

Давлат ва жамоат ташкилотларида 1380 нафардан зиёд хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. (1-диаграмма)



Бу кўрсаткичлар жамиятимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг ташкилий асослари яратилганлигидан далолатдир. Хотин-қизлар гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашда эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлашга хизмат қилади. Ҳудудий хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши маҳаллалардаги ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни муайян касб-ҳунарга ўқитиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Ҳудудларда ташкил этилган Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ишсиз хотин-қизларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича мастер-класс, семинар тренинг машғулотлари ташкил этмоқда. Ижтимоий ҳаётда фаол хотин-қизлар “Мўтабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланмоқда.

Учинчидан, хотин-қизларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида парламент сайловларига берилган квоталар асосида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 32% хотин-қизлардан иборат. Сенатда бу кўрсаткич қарийб 25% ни ташкил этди.

Тўртинчидан, жамиятимизда хотин-қизларнинг таълим ва фан соҳаси ривожигаги улуши ҳам ортиб бормоқда. Бу хотин-қизлар ўртасида илмий салоҳият юксалишида намоён бўлмоқда. Жумладан, турли соҳаларда 278 нафар хотин-қиз фан доктори (DSc), 417 нафари фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларига эга бўлди. Шунингдек, 3 нафар аёлга академик илмий унвони берилди, яна 16 нафари Ватанимизнинг олий мукофоти “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлди.

Бешинчидан, республикада битирувчиларни Олий таълимга кенгрок камраб олиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Бугунги кунда Олий ўқув юртларида таълим олаётган 440.959 нафар талабанинг 45,9 % хотин-қизлар ташкил этмоқда. Олтинчидан, хотин-қизлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга давлат томонидан имтиёзлар берилди. Худудларда ўзини-ўзи банд қилган 30.272 нафар хотин-қизга касаначилик билан шуғулланиши учун тикув машиналари олиб берилди. Аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида 2018 йилдан бошлаб 100 млрд сўм маблағ ажратилди. Бунда қишлоқ худудларидаги хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида сармоянинг тенг ярми уларга ажратилди. Шунингдек, хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда тижорат банклари маблағлари ҳисобидан 224 минг нафардан ортиқ хотин-қизга 6.9 триллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Еттинчидан, “Аёллар дафтари”га киритилган оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларнинг шарт-шароитлари ўрганилди. Улар учун 362.635 та иш ўрни яратилиб, оғир турмуш шароитида яшаётган 83 минг нафардан ортиқ аёл ишга жойлаштирилди. Шунингдек, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 3 мингдан ортиқ мини цех ташкил этилиб, 28 минг нафарга яқин хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мақсад жамиятимиздаги ҳар бир хотин-қизнинг бандлигини таъминлашга ҳаракат қилиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш орқали оила, маҳалла, жамият ва давлатнинг иқтисодий тараққиёти ўсишига кўмаклашишдир.

Бугун бутун дунё пандемияга қарши курашиш даврида мамлакатимиз аҳолисини, жумладан, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг иқтисодиёт тармоқларидаги барқарорлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелда “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра аҳоли, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, хунармандчилик, касаначилик ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳалардаги бандлиги таъминланиши орқали уларнинг қўшимча ва барқарор даромад манбалари шаклланишига шароит яратилди.

Айниқса чекка ҳудудларда яшовчи, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар ва оилаларнинг маълум бир миқдорда иқтисодий ҳолати яхшиланди. Аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар ижросини ташкил этиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича “Ҳар бир оила тадбиркор” Давлат дастури асосида хотин-қизлар ва оилаларга имтиёзли кредитлар ажратилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 2020 йилнинг биринчи чорагида туман ва шаҳарларда самарадорлиги юқори ва барқарор иш ўринлари яратилди. Бундай имконияти мавжуд лойиҳаларга ресурслар ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан ортиқ миқдорда йиллик 7 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ажратилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 2020 йилнинг биринчи чорагида туман ва шаҳарларда

самарадорлиги юқори ва барқарор иш ўринлари яратилди. Бундай имконияти мавжуд лойиҳаларга ресурслар ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан ортиқ миқдорда йиллик 7 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ажратилди. Президентимизнинг ушбу фармони асосида ажратилган кредитлар хотин-қизларнинг оила шароитида тадбиркорлик қилишига кенг имкониятлар яратиб берди. Шунингдек, оилавий тадбиркорликнинг йўлга қўйилиши оилада эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини амалга оширишга ҳам туртки бўлмоқда. Эндиликда ижтимоий фаол хотин-қизлар ўз салоҳиятини оилавий тадбиркорлик орқали кўрсата олади.

Бугунги кунда оилавий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш мақсадида бир қатор лойиҳалар эълон қилинмоқда. 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида 51.200 та лойиҳага жами 1,7 трлн. сўм ажратилди. Республикаимизнинг 14 та ҳудудлари мисолида таҳлил қилинганда Наманганда 14,1%, Фарғонада 11,4%, Самарқанд ва Сурхондарёда 9,8% тўғри келган. Энг кам лойиҳалар, жумладан, Тошкент шаҳрида 1%, Сирдарёда 3,5%, Тошкентда вилоятида 3,9%, Бухорода эса 5,3% тўғри келган. Ажратилган кредитлар миқдори бўйича энг кўп ажратилган Наманган 11,1%, Фарғона 16%, Самарқанд 9,9%, Андижон 9,5%, Қорақалпоғистон Республикаси 9,1%, Сурхондарё 8,5%, Қашқадарёга 8% тўғри келган бўлса, энг кам миқдори эса Тошкент шаҳри 1,4%, Сирдарё 4,0%, Тошкент 5,4%, Бухоро ва Жиззах вилоятларига 5,5% тўғри келган.

“Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури доирасида ажратилган кредитлар миқдори бўйича Тошкент 15,0%, Фарғона 11,4%, Қорақалпоғистон Республикасига 10,1% тўғри келган. Энг кам ажратилган маблағлар Навоий 3,2%, Тошкент шаҳри 3,6%, Сирдарё вилоятига 4,6% тўғри келган. Ўрганилаётган даврда 51.200 та лойиҳанинг “Агробанк” 40%, “Халқ банки” 34,1%, “Микрокредитбанк” ҳиссасига 23,4% тўғри келган. Таҳлилий натижаларга кўра, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ҳудудларга ажратилаётган кредитларнинг энг кам миқдори Навоий ва Сирдарё вилоятларига тўғри келмоқда. Сабаби, бизнинг фикримизча Навоий ва Сирдарё вилоятларда аҳоли ўртасида тадбиркорликка мойиллик

белгиланган даражада эмас. Шунингдек, вилоятларнинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда кредитларни ажратиш ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда кадрлар салоҳияти етарли эмас.

Бугунги кунда аҳоли бандлигини, жумладан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш давр талаби ҳисобланади. Чунки пандемия даврининг давом этиши давлатнинг иқтисодий ўсишига бевосита таъсир кўрсатади. Мана шу таъсир ҳар бир давлат иқтисодиётида мувозанатни ушлаб туришни тоқозо этади. Шунинг учун ҳам мамлакат аҳолисининг бандлиги долзарб масала сифатида аҳамиятли бўлиб бораверади. Шу нуқтаи назардан республикамизда аёллар бандлигини таъминлашга эътибор кучаймоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида аҳоли, айниқса аёллар ўртасида ишсизликни камайтириш, ишсизларни касбга ўқитиш, уларга ҳуқуқий ва бошқа маслаҳатлар бериш ҳамда ижтимоий ёрдам усулларида кенг фойдаланиш кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Жаҳонда коронавирус пандемияси салбий таъсир кўрсатмаган соҳанинг ўзи қолмади. COVID-19 туфайли жорий этилган карантин чоралари иқтисодиёт тармоқларининг тўлиқ қувватда фаолият юритишига тўсқинлик қилди. Натижада ишсизликнинг сони ортди. Шу боис, пандемия даврида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш орқали доимий даромадга эга қилиш масаласи барча давлатларда кун тартибига чиқди. Мамлакатимиздаги ишсизларнинг 834 минг нафари хотин-қизлар ҳисобланади. Уларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли чоралар кўрилди ва кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбари раислигида 2020 йил 8 октябр куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам аёллар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди ва мазкур масала бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Аёлларнинг ижтимоий-психологик жиҳатдан барқарорлиги албатта, уларнинг бандлиги орқали таъминланади. Ахборотда айнан ушбу мақсадга

эришиш йўлида қилинган ишлар, жумладан аёлларни муносиб иш билан таъминлаш, уларни касб-хунарга тайёрлаш ва малакасини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишида амалга оширилган ишлар ҳамда оилада аёлнинг ўрнини мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий-психологик химоя қилиш орқали оилавий ажралишларга барҳам бериш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. 2020 йилнинг 8 ойи давомида хотин-қизларнинг 14 минг нафари доимий ишга жойлашган, жумладан, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 179 минг 933 нафар, хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, томорқа ва бошқа йўналишларга 4 минг 404 нафари жалб этилган. Ўрганилган маълумотлар шундан далолат берадики, пандемия нафақат давлатимиз, балки бутун дунёни ларзага келтирди. Бу давлатларнинг иқтисодиётига кучли таъсир ўтказди. Мамлакатимиз ҳам бу таъсирдан четда қолмади. Шундай бўлса-да, кучли юритилган ижтимоий сиёсат асосида ишсизлик масалалари, жумладан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатнинг демографик шароитидан келиб чиқиб 1991-2020 йилларда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги сони тобора ортиб бормоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги “Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюроларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга 2017 йил 8 сентябрда тузатиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур қарорнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, фуқароларнинг вақтинчалик бир марталик ишларга жалб қилиниши ҳуқуқий кафолатдир.

Иккинчидан, вақтинчалик бир марталик ишларни бажарувчи фуқароларга янгидан ташкил этилган ва бўш иш жойларида ишга жойлашиш, касб-кор тайёргарлиги, ўз ишини ташкил этиш ва юритиш масалалари бўйича маслаҳат ва касбга йўллаш хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилди. Бу бевосита ишсиз фуқароларни муайян касб-хунарли бўлишига ҳам ёрдам беради.



Учинчидан, вақтинчалик бир марталик ишларни бажариш учун фуқароларни ёллашда иш берувчи хусусий шахсларга ҳам кўмаклашилди. Бунда давлатнинг бевосита иш берувчи хусусий ташкилотлар билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди.

Тўртинчидан, вақтинчалик бир марталик иш изловчи фуқароларни кенг хабардор қилиш учун хусусий иш берувчилар томонидан бериладиган иш турлари тўғрисидаги маълумотлар банки шакллантирилди. Эндиликда вақтинчалик бир марталик иш изловчилар ўртасида ортиқча овозагарчиликнинг ҳам олди бирмунча олинди.

Демак, аҳолини, жумладан хотин-қизларни вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлашда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ҳам кучайиб бормоқда. Хусусан 2020 йилнинг 11 феврал куни Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри Яшнобод туманида аёлларга мўлжалланган “Кунлик ишчилар маркази”нинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур бинода зарур шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, арзонлаштирилган овқатланиш шаҳобчаси, асбоб ускуналарни ижарага бериш тизими, меҳнат муҳофазаси ҳақида тушунча берувчи кўرғазмали куроллар, маданий ҳордиқ чиқариш учун имкониятлар (кутубхона, шахмат-шашка тахталари) йўлга қўйилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур марказ қатор қулайликларга эга. Унинг ишга туширилиши орқали аёлларнинг ёзнинг иссиқ ва қишнинг совуқ кунларида кўчада кутиб қолишларига чек қўйилади, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларнинг бузилиши оқибатида келиб чиқадиган салбий ҳолатларнинг олди олинади. Шунингдек, иш изловчиларни рўйхатга олишда эскича ёндашувларга барҳам берилади, бўш иш ўринлари билан танишиш имконияти яратилади, аёлларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилади, иш берувчи ва иш изловчилар ўртасида мулоқот қилиш учун майдон юзага келади. Меҳнат муҳофазасининг кафолатланишига эришиш мақсадида ташкил этилган мазкур марказлар фаолияти республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам очилиши режалаштирилган.

Юқорида мамлакатимиздаги хотин-қизлар бандлигини таъминлашга доир амалга оширилган ислохотлар ўрганилди ва уларнинг натижавийлиги таҳлил қилинди. Жумладан, охириги йилларда амалга оширилган ислохотларнинг натижавийлиги хотин-қизлар фаолиятида яққол намоён бўлмоқда. Хотин-қизларнинг ҳар соҳада бандлигининг таъминланиши уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнининг ҳам юксалишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, хотин-қизларнинг меҳнат имкониятлари ўрганилиб, уларга шарт-шароитлар яратилмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/>
2. Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюроларини ташкил этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 май Қарори. <https://lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январ. <https://president.uz>.
4. Юксалиш умуммиллий ҳаракати. 2017-2020 йиллардаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. Оралиқ натижалар. //Бақтрия пресс, 2021. – Б. 51.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2021 йил 26 февраль куни ўтказилган хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектр йиғилиши. <https://president.uz/oz/>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2021 йил 6 март. <https://xs.uz/uz/post/>
7. [https://cbu.uz/oz/press\\_center/news/](https://cbu.uz/oz/press_center/news/)

8. <https://president.uz/>
9. <https://parliament.gov.uz>.
10. <https://parliament.gov.uz/>.